

MILLIY IQTISODIYOTNI JADAL RIVOJLANTIRISH VA IJTIMOYIY SIYOSATNI AMALGA OSHIRISHDA DAVLAT BYUDJETNING AHAMIYATI



**ESHONQULOV AZAMAT
ABDIRAXIMOVICH,**

TDIU “Buxgalteriya hisobi”
kafedrası assistenti

**ALIJOVA NIGORA
SOBIRJON QIZI,**

TDIU “Moliya va
Buxgalteriya hisobi”
fakulteti talabasi

<https://doi.org/10.47689/STARS.university-pp95-99>

Annotatsiya: Mazkur maqolada O‘zbekiston Respublikasida iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish, pandemiya sharoitida mamlakatda ijtimoiy siyosatni amalga oshirishda davlat byudjetining o‘rni va ahamiyati, davlat byudjetidan moliyalashtirish xususiyatlari tadqiq qilingan va tegishli xulosalar berilgan.

Kalit so‘zlar: Davlat byudjeti, byudjet tizimi, moliyaviy oqimlar, ijtimoiy siyosat, yalpi ichki mahsulot, davlat byudjeti barqarorligi.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштириш шароитида давлат молияси ва унинг муҳим таркибий қисми бўлган давлат бюджети алоҳида ўрин тутди. Давлат бюджети давлатнинг бир қатор функцияларини амалга оширишнинг молиявий негизини ташкил этади ва молия тизимининг барча бўғинлари билан муносабатда бўлади. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор вазифаларини бажариш, иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш шароитида давлат бюджетининг амал қилиш механизмларини пухта ўрганиш ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Давлат молиясини самарали бошқариш тизими бюджет муносабатларини тўғри йўлга қуйиш, бюджет тизимида молиявий оқимларни самарали ташкил этишни талаб этади.

Давлат бюджети давлат молия тизимининг муҳим таркибий қисмини ташкил этади, унинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти бевосита давлатнинг ижтимоий-иқтисодий функция ва мажбуриятларидан келиб чиқади. Дав-

лат ижтимоий-иқтисодий сиёсати доирасида амалга ошириладиган тадбирларни, ижтимоий соҳалар ва тармоқлар фаолиятини молиявий маблағлар билан таъминлашда давлат бюджети асосий молиявий манба бўлиб хизмат қилади. Давлат бюджетини бошқариш ва тарибга солишда, мамлакатдаги ижтимоий барқарорликни таъминлашда, ҳар бир даврнинг устувор тараққиёт вазифаларини муваффақиятли бажаришда давлатнинг бошқа иқтисодий дастаклари қатори давлат бюджети ҳам муҳим аҳамият касб этади, бу вазифаларнинг самарали ижроси давлат бюджети амал қилишининг тегишли механизмларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш билан таъминланади.

Кейинги йилларда COVID-19 коронавирус пандемияси натижасида юзага келган инқироз ҳамда унинг олдини олиш мақсадида киритилган чеклов чоралари сезиларли ижтимоий-иқтисодий зарбаларга олиб келди. Мазкур шароитда макроиқтисодий прогнозлар сақланиб қолаётган ноаниқликларни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилди. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳукумат томонидан иқтисодий ўсишни тиклаш ва таркибий ислохотларни давом эттириш юзасидан амалий ҳаракатлар режаси қабул қилиниб, бу икки босқичдан иборат бўлиб, коронавирус пандемиясининг иқтисодиёт ва аҳоли учун салбий оқибатларини бартараф этиш, тизимли ислохотларни давом эттириш мақсадида шароит яратиш, иқтисодиётни ривожланишига янада туртки берувчи янги имкониятларни ва захираларни аниқлаш масалалари белгиланган эди.¹

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясида ҳамда «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида давлат бюджети харажатлари самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш устувор вазифалардан бири қилиб белгиланди.²

Сўнгги йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти бошқа давлатларда бўлгани каби COVID-19 натижасида келиб чиққан инқироздан сўнг аста-секинлик билан тикланмоқда, бу эса макроиқтисодий вазиятнинг барқарорлашуви ва иқтисодиётнинг барча тармоқларида иқтисодий ўсиш суръатларининг қайта тикланиши кузатилмоқда. Давлат бюджетининг харажатларида харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги сақланиб қолмоқда. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари режалаштирилаётган бюджет харажатларининг 49,1% ини ташкил этади. Ўрта муддатли истиқболда давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш мақсадида, бюджет тақчиллигини босқичма-босқич камайтириш режалаштирилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августдаги «2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 526-сон қарори»

² 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури 15-банди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони 2-илоvasи.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатлари таркиби тўғрисида маълумот.¹

Т.р.	Харажатлар турлари	2021 йил		2021 йил		2022 йил прогноз	
		трлн.сўм	фоиз	трлн.сўм	фоиз	трлн.сўм	фоиз
1	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	75,3	50,4	86,4	52,1	105,5	49,1
2	Иқтисодиёт харажатлари	22,0	14,7	13,8	8,3	24,2	11,3
	Марказлаш инвестиция харажатлари	17,7	11,9	17,2	10,4	-	-
	Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун харажатлар	-	-	3,5	2,1	-	-
3	Ривожлантириш дастурларига харажатлар	-	-	-	-	26,8	12,5
4	Давлат томонидан ННТ ва фуқаролик жамиятнинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш харажатлари	-	-	0,9	0,5	1,4	0,7
5	Давлат ҳокимияти ва бошқаруви, адлия, прокуратура ва суд органларини сақлаш харажатлари	6,5	4,4	6,5	3,9	9,1	4,2
6	ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий ҳокимият органлари захира жамғармалари	1,4	0,9	1,5	0,9	1,7	0,8
7	Ташаббусли бюджетлаштириш доирасидаги лойиҳаларга харажатлар	-	-	-	-	1,5	0,7

¹ Openbudget.uz сайти маълумотлари асосида ҳисоб-китоб қилинган.

8	Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар ҳамда алоҳида хизматлар учун тарифлар миқдорини оширишга харажатлар	-	-	8,4	5,1	11,4	5,3
9	Давлат қарзларига хизматлар кўрсатиш харажатлари	2,7	1,8	3,1	1,9	4,1	1,9
10	Бошқа харажатлар	31,3	21,0	24,4	14,7	28,9	13,5
	Жами харажатлар	149,3	100	165,6	100	214,8	100

Давлат бюджети харажатлари миқдорини 2020 йилдаги ЯИМнинг 20,1 фоизидан 2021 йилда ЯИМнинг 24,0 фоизни ташкил қилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, пандемия шароитида инобатга олган ҳолда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган харажатлар кўпайган. Ушбу йўналишларга 2021 йилда 86,4 трлн. сўм ёки жами харажатларнинг 52 фоизи ажратилиши кўзда тутилган.

2022 йил учун Давлат бюджети харажатлари 214,8 трлн. сўмни ёки ЯИМга нисбатан 25,6%ни (2021 йилда 190,8 трлн. сўм ёки ЯИМга нисбатан 26,4% ҳисобида бўлиши кутилмоқда) ташкил этиши режалаштирилмоқда. Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида ривожлантириш тармоқ дастурларини амалга оширишга йўналтирилаётган маблағларни ошириш режалаштирилмоқда.

Сўнгги йилларда иқтисодиёт харажатлари, бошқарув харажатлари ва бошқа харажатлар салмоғи камайганлигини кузатиш мумкин. Давлат бюджети харажатлари таркибида ривожлантириш дастурларига харажатлар, ташаббусли бюджетлаштириш доирасидаги лойиҳаларга харажатлар ҳамда иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар ҳамда алоҳида хизматлар учун тарифлар миқдорини оширишга харажатлар ўрин олганлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, давлат бюджети мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг молиявий дастакларидан бири бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон Қонуни билан тасдиқланган.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-657-сон Қонуни.

3. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури 15-банди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони 2-илоvasи.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августдаги «2020-2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 526-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 29 декабрь 2020 йил.

6. Нурмухамедова Б.И. Давлат бюджети. Ўқувқўлланма. – Т.: «IQTISODMOLIYA», 2018. – 5976 б.

7. Фуқаролар учун бюджет. 2021 лойиҳа / Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. – Тошкент: BAKTRIA PRESS, 2021. – 64 б.

8. www.openbudget.uz